

**РУС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ АСАРЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ
УЗУМЧИЛИГИ ТАРИХИ ВА ВИНОЧИЛИК САНОАТИГА ОИД
МАЪЛУМОТЛАР ТАЛҚИНИ**

У.С.Тўпчиев (Жиззах ДПУ ўқитувчиси)

Аннотация: Ушбу мақолада рус тадқиқотчилари асарларида XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкаси узумчилиги ва виночилик саноати тарихига оид масалаларининг ёритилиш таҳлил этилган.

Аннотация: В статье анализируется освещение вопросов, связанных с историей виноградарства и виноделия Туркестанского края в конце XIX — начале XX вв. в трудах русских исследователей.

Abstract: The article analyzes the coverage of issues related to the history of viticulture and winemaking in the Turkestan region in the late 19th and early 20th centuries in the works of Russian researchers.

Калит сўзлар: А.И.Шахназаров, Н.А.Маев, А.И.Добросмыслов, В.В.Заорский, К.А.Александер, М.В.Лавров, Губаревич-Радобылский, В.Юферев, узумчилик тарихи, маҳаллий узум навлари, Чарос, Кишмиш, Дорои, Хусайни, янги узум навлари, Изабелла, Каберно-Савиньон, Рислинг, вино, виночилик, Филатов, Проховский, Толочинов, Н.И.Первушин, Н.И.Иванов.

Ключевые слова: А.И.Шахназаров, Н.А.Маев, А.И.Добросмыслов, В.В.Заорский, К.А.Александер, М.В.Лавров, Губаревич-Радобыльский, В.Юферев, история виноградарства, местные сорта винограда, Чарос, Кишмиш, Дорой, Хусайни, новые сорта винограда, Изабелла, Каберне-Савиньон, Рислинг, вино, виноделие, Филатов, Проховский, Толочинов, Н.И.Первушин, Н.И.Иванов.

Keywords: A.I. Shakhnazarov, N.A. Maev, A.I. Dobrosmyslov, V.V. Zaorsky, K.A. Alexander, M.V. Lavrov, Gubarevich-Radobylsky, V. Yuferov, history of viticulture, local grape varieties, Charos, Kishmish, Doroy, Khusayni, new grape varieties, Isabella, Cabernet Sauvignon, Riesling, wine, winemaking, Filatov, Prokhovsky, Tolochinov, N.I. Pervushin, N.I. Ivanov.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган узумчилик ва виночилик масаласига ҳам эътибор кучайди, унинг ташкилий ва моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, бу соҳада янги давр бошланди. Узум етиштириш ва вино тайёрлаш соҳасига эътибор ортаётган бугунги кунда ушбу масалани ҳам ҳар томонлама ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Туркистон ўлкасида узумчилик ва виночилик тарихининг ёритилишида Россия империяси ҳукмронлиги даврида яшаб ижод қилган рус тадқиқотчилари томонидан яратилган даврий адабиётлар муҳим манбавий аҳамият касб этади. Хусусан, ушбу даврида яшаб ижод қилган тадқиқотчилардан А.И.Шахназаров, Н.А.Маев, А.И.Добросмыслов, В.В.Заорский, К.А.Александер, М.В.Лавров, Губаревич-Радобылский, В.Юферевларни мисол қилишимиз мумкин. Мазкур муаллифлар асарларида ўлкада азалдан етиштирилиб келинган маҳаллий узум навлари, уларни парваришилашнинг анъанавий усуллари, четдан келтирилган янги узум навлари ва уларнинг ўлка табиий-иклим шароитига мослаштирилиши, шунингдек узумдан олинган ҳом ашёни қайта ишлаш, вино тайёрлаш ва уларнинг турлари, ички ва ташқи бозорларда узум ва вино маҳсулотлари нархнавоси, шунингдек вино тайёрловчи заводлар ва уларда фаолият юритган аҳоли қатлами турмуш тарзи ҳақидаги муҳим маълумотлар қайд этилган.

Ушбу тадқиқотчилар асарларида қайд этилишича, тарихий-географик жиҳатдан узумлар маданий ва ёввойи ҳолда бутун Туркистон ўлкасининг деярли барча суғориладиган, шунингдек тоғли ва кам сувли ҳудудларида тарқалган. Хусусан, ушбу масала биргина Пскент водийси мисолида алиб қаралса, узумлар тоғли Бўстон қишлоғидан бошланиб, дengiz сатҳидан 2800-4000 фут баландликка қадар тарқалган. Узумларнинг Тошкент ҳудудида шимолий тарқалиш чегарасини Авалиёта шаҳрига қадар, жанубий чегараси эса Чимкент ва Тошкент шаҳарларининг атрофлари ҳамда Хўжанд уездига қадар эканлиги таъкидланади.

Шунингдек, мазкур асарларда Туркистон ўлкасида узумчиликнинг вилоятлар бўйича тақсимоти, узум майдонларининг кенгайиб бориши ва унинг сабаблари ҳақидаги, шунингдек вилоятларда қишлоқ хўжалигининг ушбу соҳаси етакчи ўринда турган уездалр ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар келтирилган. Хусусан, ўлкада Самарқанд вилояти Сирдарё ва Фарғона вилоятларига нисбатан узум ва узум маҳсулотларини етиштириш бўйича етакчи ўринда бўлган.

Хусусан, ушбу асарлардаги маълумотлар таҳлилига кўра, биргина 1872 йилда Самарқанд вилоятида 2000 десятина (1 десятина-1,09 га тенг) майдонга тенг узумзорлар бўлиб, ушбу вилоятда узумзорлар майдони кўлами йилдан-йилга ошиб борган. Масалан, 1888-1889 йилларда вилоятда узумзорлар майдони 25 536 таноб (1 таноб-3600 кв м, 1 га 12 танобга тенг) ёки 6 650 десятинага ошган. Ёки 1890-1897 йилларни олиб қарайлик. Яъни, вилоятда узум майдонлари кўлами 1890 йилад 5 774 десятина, 1891 йили 6 204 десятина, 1893 йили 6 490 десятина, 1894 йилда 6 445 десятина, 1895 йили 6 103 десятина, 1897 йилда эса 7 832 десятинага кўтарилиб борганлиги маълум бўлади. Мазкур маълумотлар мисолида ҳам биз мустамлака ҳукуматнинг нафақат Самарқанд вилоятида, балки

бутун ўлкада қишлоқ хўжалигининг сердаромад бўлган ушбу соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратса бошлаганлигини кўришимиз мумкин. Ўлканинг биргина Самарқанд вилояти мисолида узум майдонларининг бундай тез суратларда кенгайиши сабаларидан бири шубҳасиз мустамлака ҳукумат томонидан асосан четдан узумнинг янги навларини келтириш, уларни ўлка табиий иқлим шароитига мослаштириш борасидаги олиб борган фаолияти ҳисобига бўлган.

Ўлкада узум етиштириш бўйича кейинги ўринда Сирдарё вилояти туриб, вилоят уездлари бўйича узумзорларнинг умумий майдони қуидагича бўлган: Тошкентда 1 648 десятина, Чимкентда 20 десятина, Авлиётада 5 десятина ва Амударё бўлимида 20 десятина, қолган асосий майдонларнинг 1 700 десятинаси Тошкент уезди ва Тошкент шаҳрига тўғри келган. Вилоятида узумчилик соҳаси бўйича Тошкент уезди ва Тошкент шаҳри етакчи ўринда турган. 1897 йилги маълумотларга кўра Тошкентнинг руслар яшайдиган янги шаҳар қисмида 74 десятина, маҳаллий аҳоли истиқомат қиласидиган эски шаҳар қисмида 957 десятина, шунингдек Тошкент уездидан эса 617 десятина, жами 1 648 десятина майдонга teng узумзорлар бўлган. Тошкентнинг руслар истиқомат қиласидиган қисмида мавжуд бўлган 74 десятина узумзорларнинг 45 десятинаси тадбиркорлардан Н.И.Ивановга, 25,5 десятинаси Первушинга ва қолган қисми маҳаллий аҳолига тегишли бўлган.

Фарғона вилояти уездлари бўйича эса узумзорлар майдонининг тақсимланиши 1897-1898 йилларда қуидагича бўлган: Наманганда 2 843 десятина (1897) ва 2 874 десятина (1898), Марғилонда 2 352 десятина (1897) ва 1 155 десятина (1898), Кўқонда 1 787 десятина (1897) ва 1 787 десятина (1898), Андижонда 314 десятина (1897) ва 500 десятина (1898), Ўшда 31 десятина (1897) ва 26 десятинани (1898), вилоят бўйича эса жами узумзорлар майдони 7 327 десятина (1897) ва 6 342 десятинани (1898) ташкил этганлиги келтирилганки, ушбу маълумотлар вилоят уездлари бўйича узумзорлар майдонининг тақсимланиш ҳолати ҳақида тасаввур ҳосил қилишимизда муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, ушбу асарларда ўлкада узумдан олинадиган ҳосил миқдори ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. Хусусан, ўлка вилоятларида жами 19 282 десятина ер майдонидан бир йилда узумдан олинадиган ҳосил миқдори қуидагича бўлган: Самарқанд вилоятида 5 197 000 пуд (1 пуд-16 кг 380 гр teng), Сирдарё вилоятида 500 000 пуд, Фарғона вилоятида 2 558 000 пуд, ўлка бўйича жами ҳосил миқдори эса 6 225 000 пудни ташкил этган.

Ўрганилаётган асарларда Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида узум боғлари ва уларга ишлов беришнинг агротехник қоидалари борасида ҳам муҳим маълумотлар қайд этилган. Масалан, муаллифларнинг қайд этишларича ўлкада узум дараҳтларини парваришлаш, уларга ишлов бериш техникаси бўйича уч хил усул қўлланилган бўлиб, биринчиси ва асосий усул сифатида узумларни

бир бирига қаратган ҳолда арка шаклида сўриларга осиб ўстирилган ва ишлов берилган. Иккинчи усулга кўра узумлар бир томонга қаратиб бурчак шаклидаги сўриларга осилтириб ўстирилган ва парвариш қилинган. Учинчи усулга кўра узумлар ерда табиий ҳолатда ўстирилган ва уларга ишлов берилганини қайд этилган.

Ўлкада азалдан етиштириб келинган маҳаллий узум навлари борасида ҳам кўрилаётган адабиётларда диққатга сазовор маълумотлар қайд этилган. Масалан, ушбу даврда ўлкада узумнинг маҳаллий навларининг ўттиздан ортиқ тури мавжуд бўлиб, булар Чиллаки, Чарос, Оқ Кишмиш, Қора Кишмиш, Домброби, Майизи, Катта-Қўрғон, Дорои, Оқ ва Пушти Ҳусайн, Ҳасайн, Саҳоби, Гилами, Офпари, Буаки, Маска, Набиши, Хожаахори, Султони, Шакар ангур, Алвони, Сиркои, Шувурғон, Хотинбармоқ ва бошқалар бўлиб, улардан мўл ҳосил олинган.

Шунингдек, мазкур асарларда Туркистон ўлкасига четдан келтирилган янги узум навлари ва уларни иқлимлаштириш, бу борада боғдорчилик тажриба плантацияларининг ташкил этилиши, ушбу соҳа мутахассисларининг ўлкага жалб этилиши ва уларнинг узумчилик ва вино саноатини ривожлантириш борасидаги фаолиятлари каби маълумотлар ҳам қайд этилган. Жумладан, Туркистонга узумнинг серҳосил ва винобоп навлари асосан Украина (асосан Крим), Молдова, Кавказорти ва бошқа жойлардан келтирилиб экилган. Туркистонга хориждан илк бор янги узум навлари 1868 йилда Тошкент уездига олиб келтирилган бўлса, кейинчалик четдан келтирилган янги узум навларини етиштириш, йирик узум плантацияларига асос солиш борасида ўлка вилоятларидан Самарқанд асосий марказга айланган. Муаллифлардан А.И.Шахназаров, М.Невесскийларнинг қайд этишларича, тошкентлик боғбонлардан Н.И.Иванов ва И.И.Первушин, самарқандлик боғбонлар А.Л.Филатов ва Р.С.Проховскийлар четдан янги узум навларини ўлкага олиб келиш ва уларни маҳаллий шароитга мослаштиришда катта ҳисса қўшишган. Ҳусусан, Ати-Ведро, Франк-пино, Мерло, Саперани Мускати, Якrima, Кристи, Якrima-Долче, Изабелла каби 20 га яқин навлар, шунингдек узумнинг қора ва қизил навлари хисобланган Сотернь, Рислинг, Мадера, Гро-Рислинг кабиларни, қолаверса Оқ Мускат, сариқ тусли Александрия, Шосланинг каби ўнга яқин янги узум навларини парваришлаш ва уларни ўлка табиий иқлим шароитига мослаштирилишида ушбу мутахассиларнинг ҳиссалари катта бўлган.

Таҳлилга тортилган мазкур асарларда узумнинг навларига қараб Туркистон ўлкаси вилоятлари бозорларида уларнинг нарх-наволарининг ҳам турлича эканлиги қайд этилган. Масалан, охирги ўн йилликда Самарқанд уезди бозорларида янги узумнинг нархи ўртacha бир пуди 20-40 копеек(Саҳоби ва Ҳусайнининг нархи 50 копеек, қолганлари 20 копеек), Хўжандда 40-50 копеек,

Катта-Қўргонда 30-40 копеек, Жиззах уездидаги 50 копеек, Фарғона вилоятининг Наманган ва Кўқон уездларида 40-50 копеек, Тошкент воҳасида 70 копеекдан-1 рубль 20 копеекгача, Тошкент шаҳрида эса 2-2 рубль 60 копеекгача бўлган.

Бундан ташқари, ушбу асарларда ўлкада вино ишлаб тайёрловчи заводлар ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар келтириб ўтилган. Хусусан, А.И.Шахназаров ва Н.А.Маевларнинг қайд этишларича, Туркистон ўлкасида вино тайёрлаш бўйича Самарқанд биринчи, Тошкент, Каттақўргон, Кўқон, Марғилон, Андижон ва Наманган шаҳарлари кейинги ўринларда турган. Самарқандда виночилик билан Филатов, Проховский, Толочинов, Тошкентда эса Платон Шевченко, инженер технолог Н.И.Первушин, Адолф Моше, Н.И.Иванов, Я.Я.Иванов, И.Барсуков, И.П.Белоколоковлар шуғулланишган. Самарқандда Филатовнинг вино заводида йилига 10-15 минг челак, Проховский заводида 6 000 челак, Толочинов заводида 4 000 челак; Тошкентда Платон Шевченко, инженер-технолог Н.И.Первушин, Адолф Моше, Н.И.Иванов, Я.Я.Иванов, И.Барсуков, И.П.Белоколоков заводларида ўртacha 10 000 челак, Фарғонада 10-11 минг челак вино тайёрланган.

Асарларда қайд этилишича, вино ва вино маҳсулотларининг ўлка бозорларидаги нарх-навоси ҳам талаб ва сифатига қараб турлича бўлган. Масалан, Тошкентда қизил ва оқ виноларнинг бир челаги 2 рубль 15 копеекдан 5 рублгача, бошқа турдаги винонинг бир челаги 8-12 рубль, хуштаъм винонинг бир челаги 16-18 рубль бўлган. Фарғонада винонинг паст навларининг бир челаги 3-4 ва юқори навлари эса 10 рублгача бўлган. Марғилонда узумнинг Буваки навидан тайёрланган паст навли винонинг бир шишаси 20-35, Самарқандда қуввати паст винонинг бир шишаси 30, ўртacha қувватдаги винонинг бир шишаси 50-60 ва юқори қувватли винонинг бир шишаси 80 копеекдан-1 рубль 20 копеекгача бўлган.

Ўлкада етиштирилган узум ва вино маҳсулотлари ички бозорлардан ташқари, четга ҳам экспорт қилинган. Хусусан, ўлкада етиштирилган узум ва вино маҳсулотлари Каспий орти вилояти орқали Астраханга ва унда Россиянинг ички вилоятлари, шунингдек, Сибир худудларидаги ярмаркаларга олиб чиқиб сотилган. Муаллифларнинг таъкидлашларича, ўлкадан четга узум ва узум маҳсулотларини экспорт қилишда дастлаб транспорт сифатида тую, от, хачир каби уй ҳайвонларидан фойдаланилган бўлса, кейинчалик ўлкага темир йўлнинг кириб келиши билан ушбу маҳсулотларни четга ташишда темир йўлдан фойдаланила бошланган. Масалан, XIX аср иккинчи ярмида ҳар йили темир йўл орқали Самарқанддан Троицк ярмаркасига ёз ойларида 10 000 тую, жами 180 000 пуд Кишмиш узуми ва бошқа товарлар олиб чиқилган. 1892-йилда Каспийорти темир йўли орқали Россия ва Европага 412 000 пуд Кишмиш узуми жўнатилиб, унинг 285 566 пуди Самарқандда етиштирилган узумга тўғри келган. Ток

тупидан узилган ҳолда экспорт учун чиқарилган ҳўл узумнинг умумий миқдори 3 000 пуд, узумдан тайёрланган винонинг умумий миқдори эса 66 838 пудни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичдаги Самарқанд узумидан тайёрланган вино миқдори 14 979 пудни ташкил этган. Россияга чиқарилган узум ва узум виноси 1888-йилда 70 597 пуд бўлган бўлса, кейинги беш йил давомида бу кўрсаткич беш маротабага ошиб, 1892-1893 йилларда 451 018 пудни ташкил этган.

Юқоридаги даврий асарларда қайд этилган мавзуга оид маълумотлар таҳлили натижасида қуйидаги хulosаларга келиш мумкин:

- Туркистон ўлкасида узумчилик ва виночилик масалаларининг тарихий-географик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий томонларини ёритишида даврий адабиётларнинг манбавий аҳамияти кўрсатиб берилди;
- XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда етиштирилган маҳаллий узум навлари, шунингдек ўлкага келтирилган янги узум навлари ва уларнинг ўлка табиий иқлим шароитига мослаштирилиши, винобоп маҳаллий ва янги узум навларининг виночилик саноати ривожидаги ўрнини ёритишида даврий асарларнинг аҳамияти далилланди;
- кўрилаётган давр муаллифлари асарлари асосида узум ва вино маҳсулотларининг бозорлардаги нарх-навоси, ўлка ички ва ташки савдосида узум ва вино маҳсулотларининг тутган ўрни каби масалаларнинг ёритилиш даражаси таҳлил этилди.

Адабиётлар:

1. Губаревич-Радобылский. Экономический очерк Бухары и Туниса. Санкт-Петербург.1905.-С.69.
2. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк.– Ташкент: Типолитография О.А.Порцева, 1912.–С.389.
3. Заорский В.В., Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. - Петроград, 1915.-С.557.
4. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае.– Санкт-Петербург, 1908.–С.360-389, 237-239, 240, 246, 295.
5. Лавров М.В. Туркестан.География и история края.Москва.1916.С.102-104.
6. Маев Н.А. Туркестанская выставка 1886 г.–Ташкент: Издание Туркестанского Отдела Императорского Российского Общества Садоводства, 1886.–С.8, 16, 22, 48-50.
7. Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороги. Санкт-Петербург. 1903.–С.34, 309, 322.
8. Юферев В.Хозяйство Сартов Ферганской области.-Ташкент.1911.-С.47-50.